

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

№ ВМ-343-3400-3.07
«09» ___ 06 ___ 2003 й.

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
С.Тулянов
«1» июль 2003 й.

«МАКРОИҚТИСОДИЁТ»

**фанидан
ДАСТУР**

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият
йўналишлари учун**

Тузувчилар: и.ф.н., доц. С.Насритдинова,
к. ўқ. Б. Махмудов,
к. ўқ. Х.Ходжаев.

Такризчилар: и.ф.д., проф. А.Ишмухаммедов,
проф. М. Ҳамраев

Дастур замонавий Макроиктисодиёт фанининг энг асосий мавзуларини ўз ичига олган бўлиб, «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳаси бўйича тайёрланадиган бакалаврларга мўжаллаб тузилган. Унда маъруза, амалий (семинар) машғулотлар, мустақил таълим мавзулари ва ўрганиладиган саволлар ўз аксини топган. Дастурда фанни ўрганишга оид асосий ва қўшимча адабиётлар, иқтисодий газета ва журналлар рўйхати берилган. Шу жумладан, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ҳам тавсия қилинган. Компьютер ўқув дастурлари, интернет тармоғи сайтлари рўйхати илова қилинган.

Программа включает в себя наиболее важные темы курса современной макроэкономики и разработана с учетом всех направлений бакалавриата по сфере «Бизнес и управление». В ней находят свое отражение темы лекционных, практических, семинарских занятий и самостоятельного образования, а также их изучаемые вопросы. В программе приводится перечень основной и дополнительной литературы, экономических газет и журналов в том числе необходимая для изучения курса литература на английском языке. В качестве приложения приводится перечень компьютерных учебных программ, веб - сайтов сети Интернет, электронных учебных материалов и электронных учебников.

Program includes the most important subjects of the mordent macroeconomic considering all special ties end directions of baccalaureate in sphere of “Business and Management ”. lecture themes, practical studies, seminars and self – educated questions are observed in it.

Program consist of list of main and additional literature, economic news – papers and margarines, including also necessary English literature. As an appendices presented list of computer educational programs, internet web – sites and electronic training aids.

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Макроиктисодиёт" фанини ўқитишнинг мақсади "Бизнес ва бошқарув" соҳаси бўйича бакалаврият йўналишларда таълим олувчи талабаларда мамлакат макроиктисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш ва уни динамикасини қиёсий таққослаш ҳамда давлатнинг макроиктисодий сиёсати ва стратегиясини тўғри асослай олиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Фанни ўргатиш вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- - талабаларга миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) асосида макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларидан ва макроиктисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи графикларни тузишни ўргатиш;
- - талабалар билан биргаликда ялпи талаб ва ялпи таклиф, истеъмол ва жамғариш функциялари, давлат харажатлари ва солиқ мультипликаторлари ўзаро ҳаракатининг алгебраик формулаларини ўрганиш;
- - талабаларга макроиктисодий мувозанат ва унинг моделлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш ҳамда иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, даромадларнинг табақалашуви омилларини ва давлатнинг ижтимоий сиёсати йўналишларини тушунтириш.

"Макроиктисодиёт" ҳозирги замон иқтисодий назариясининг таркибий қисми сифатида "Иқтисодий назария" фани билан узвий боғлиқ, шунингдек, "Микроиктисодиёт", "Статистика", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Молия", "Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш", "Молия бозори ва қимматли қоғозлар", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Иқтисодий математик моделлар", каби ўқув фанлари билан ҳам яқин алоқададир.

Ўқув фани бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва маҳоратларига талаблар

Олий таълимнинг давлат стандартига мувофиқ мазкур фан бўйича талабаларнинг билимига, укувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- - фанни ўрганиш жараёнида ўтиладиган ҳар бир мавзу бўйича рейтинг балларини тўплашлари, тест саволларига жавоб бера олишлари;

- - ўқув графигининг рейтинг ҳафталигида жорий ва оралиқ баҳолаш ёзма баҳолаш ишларини бажаришлари, мустақил таълим мавзуларини ўзлаштиришлари, амалий машғулотларда масалалар ечишлари, мустақил ишлар сифатида рефератлар тайёрлашлари, тест саволлари тузишлари, чизмалар ва жадваллар чизишлари;
- - фанни ўзлаштириш натижасида макроиктисодий таҳлил усулларини мукамал билишлари ва уларни амалиётда тадбиқ эта олишлари, ҳамда масофавий ўқитишда «кейс - студия» лардан, электрон дарсликлардан фойдаланишлари, интернет тармоғи орқали фанга оид тегишли маълумотларни ола билишлари талаб қилинади.

Амалий машғулотлари бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича амалий масалалар ечади, конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан назорат ишлар ёзади ва оқзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Ўқув режасида ушбу фанга 108 соат ажратилган, шундан 72 соати аудиторияда бажарилади, жумладан 36 соат маъруза ва 36 соат амалий (семинар) машғулотлар; 36 соат мустақил таълимга ажратилган бўлиб, аудиториядан ташқарида бажарилади, яъни аудитория соатлари 66,7 % ва аудиториядан ташқаридаги соатлар 33,3 %ни ташкил этади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишнинг ҳар бир семестрида икки маротаба жорий назорат (семинар машғулотларида), икки маротаба оралиқ назорат (маъруза машғулотларида) ва бир маротаба якуний назорат (ёзма иш усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар нихоясида якуний назорат оқзаки ёки тест усулида амалга

оширилиши мумкин, якунловчи семестрда эса якуний назорат фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Компьютер, информация ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш

Фанни ўқитишда янги технологиялар элементлари бўлиб масофавий ўқитиш, интернет тармоғидан фойдаланиш, компьютер синфларида амалий машғулотларни «иш ўйинлари» шаклида ўтказиш ҳисобланади.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Ушбу тасдиқланган Дастурга мувофиқ ҳар янги ўқув йилида фаннинг Ишчи дастури ишлаб чиқилади ва унда қонунчиликдаги, ўқитиш услубияти ва баҳолашидаги ўзгаришлар, жорий этилган янги педагогик технологиялар ҳисобга олиниб, ҳар бир мавзуга керакли тузатишлар киритилади. Ундан ташқари ишчи дастурда назарий ва амалий машғулотлар, мустақил таълим режалари тўлиқ акс эттирилади, мавзуларни машғулот турлари бўйича соатларда тақсимланиш жадвали, оралиқ ва жорий баҳолаш рейтинг баллари жадвали ҳамда янги адабиётлар ва электрон сайтлар рўйхати берилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

«Макроиктисодиёт» тушунчаси

Макроиктисодиёт фанининг предмети ва объекти; макро ва микроиктисодиёт тушунчаси; макроиктисодий таҳлил усуллари: агрегатлаштириш, моделлаштириш; экзоген (ташқи) ва эндоген ўзгарувчилар; макроиктисодий заҳиралар ва оқимлар; макроиктисодий субъектлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги; макроиктисодий назариялар ва макроиктисодий сиёсат; иқтисодий тизимлар; ресурслар, товарлар ва даромадларнинг доиравий айланиши.

Миллий ҳисоблар тизимида макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш.

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ). Мамлакат макроиктисодий ҳолатини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) МХТнинг энг асосий кўрсаткичи сифатида; ялпи миллий даромад тушунчаси (ЯМД); ялпи ички маҳсулотни МХТда аниқлаш усуллари; номинал ва реал кўрсаткичлар; нархлар тушунчаси, ЯИМ дефлятори, асосий макроиктисодий

айниятлар; даромадлар ва маҳсулотлар кўрсаткичларини ҳисоблашдаги мураккабликлар; *Ўзбекистонда МҲТни жорий этиши билан боғлиқ муаммолар.*

Макроиктисодий мувозанат: Жами талаб ва жами таклиф моделлари.

Жами талаб ва уни белгиловчи омиллар; жами талаб эгри чизиғи ва уни силжитувчи омиллар; жами таклиф: унинг омиллари; жами таклиф эгри чизиғи ва унинг кесмалари; жами таклифнинг классик ва кейсианча моделлари. макроиктисодий мувозанатлик: AD - AS моделларининг аҳамияти; қисқа ва узоқ муддатли мувозанат ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги; *Ўзбекистонда жами талаб ва жами таклифнинг мувозанатлилигини таъминлаш муаммолари.*

Истеъмол ва жамғариш функциялари

Ихтиёридаги даромад ва ундан фойдаланиш; истеъмол ва жамғариш тушунчаси; истеъмол функцияси; истеъмол эгри чизиғи; истеъмолга бўлган ўртача ва чекланган мойиллик; истеъмол назариялари: ҳаёт даври (цикл), рационал кутишлар ва перманент даромад (С.Кузнец.); жамғариш функцияси ва унинг эгри чизиғи; жамғаришга бўлган ўртача ва чекланган мойиллик; хусусий, давлат ва хорижий жамғармалар; тежамкорлик “парадокси” (акс оқибати).

Инвестициялар ва уларнинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги роли.

Инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли; инвестицияларнинг жамғариш ва истеъмол билан ўзаро боғлиқлиги; инвестицияларга талаб ва унга таъсир этувчи омиллар; инвестицияга талаб эгри чизиғи; инвестицион беқарорлик омиллари; инвестиция “акселератори”, “автоном” инвестиция ва “индуцион” инвестиция функциялари; инвестицияларга чекланган мойиллик; *Ўзбекистонда хусусий инвестиция фондлари; Ўзбекистонда хорижий инвестиция ва ва уларни жалб этишга яратилаётган шарт - шароитлар (кулайликлар); кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти; Ўзбекистонда инвестиция сиёсати.*

Товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанат. IS эгри чизиғи

Режалаштирилган ва ҳақиқатдаги харажатлар; “Кейнс хочи” эгри чизиғи ва унинг тенгламаси; товар - моддий захиралари; товарлар ортиқчалиги; автоном харажатлар мултипликатори; давлат харажатлари мултипликатори; солиқ мултипликатори; “Кейнс хочи” ва унинг AD - AS модели билан боғлиқлиги; товар ва хизматлар бозоридаги мувозанатлилиқ шартлари;

давлатни бюджет ва солиқ сиёсати. IS модели; *товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанатни таъминлашда жамғармалар ва инвестицияларнинг роли.*

Пул бозоридаги мувозанат. LM эгри чизиғи

Пул бозори тушунчаси; пул агрегатлари; пулга талаб ва унга классик ва кейнсча қарашлар; пул таклифи ва уни аниқлаш йўллари; банк тизими; пул мультипликатори; пул бозоридаги мувозанат; LM модели ва уни пул таклифига таъсири; давлатнинг пул кредит сиёсати; *Ўзбекистоннинг монетар сиёсати.*

Товар ва пул бозоридаги макроиқтисодий мувозанат. IS - LM модели

AD - AS моделининг IS - LM модели билан ўзаро боғлиқлиги; товар ва хизматлар ва пул бозоридаги мувозанат шартлари; макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда IS - LM моделининг аҳамияти ва қўлланилиши.

Макроиқтисодий беқарорлик ва унинг намоён бўлиш шакллари

Иқтисодий цикл ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси; ишсизлик шакллари ва ишсизлик даражасини ўлчаш; потенциал ЯИМ; ЯИМни узилиши; Оукен қонуни; Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти; инфляция: даражаси, талаб ва таклиф, инфляциянинг турлари, келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари; ҳукуматнинг инфляцияни жиловлашга қаратилган чора - тадбирлари; инфляция ва ишсизликнинг ўзаро боғлиқлиги; Филипс эгри чизиғи.

Ўтиш даврида давлатнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати

Аралаш иқтисодий тизимда давлатнинг роли ва тартибга солиш усуллари; барқарорлаштириш сиёсатининг моҳияти; барқарорлаш - тиришни таъминлашга назарий ёндашувлар (структуравий ва монетар ёндашув); вақт оралиқлари; монополияга қарши сиёсат; кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг шакл ва усуллари; *Ўзбекистон иқтисодиёти таркибий тузилишининг таҳлили.*

Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари, экстенсив ва интенсив ўсиш; иқтисодий ўсишнинг посткейнсиан моделлари: Домар модели, Хоррод модели, Калдор модели; иқтисодий ўсишнинг неоклассик модели (Р.Солоу); *Техника тараққиёти ва мувозанатли ўсиш; Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммолари*; давлатнинг даромадлар сиёсати.

Очиқ иқтисодиётда мувозанатлилик

“Очиқ” ва “ёпик” иқтисодиёт тушунчаси; очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий ўзаро боғлиқликлар; халқаро савдо; мамлакатнинг ташқи савдо баланси; валюта курслари; мамлакат тўлов баланси; валюта курсларининг давлат бюджетига, мамлакат тўлов балансига таъсири; очиқ иқтисодиёт мувозанати; *Ўзбекистоннинг валюта сиёсати*.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

«Макроиқтисодиёт» тушунчаси

Макроиқтисодиётнинг фан сифатида шаклланиши; макроиқти - содиёт фанининг предмети ва объекти;* макро ва микроиқтисодиёт; макроиқтисодиётни бошқа иқтисодий фанлар билан алоқаси; макроиқтисодий моделлар тушунчаси; макроиқтисодиётда экзоген ва эндоген ўзгарувчилар; захиралар ва оқимлар; макроиқтисодий таҳлилда кўрсаткичларни жамлаш (агрегатлаштириш): уй хўжаликлари сектори, тадбиркорлик сектори, давлат сектори, хориж сектори; макроиқтисодий ўзаро боғлиқликлар; макроиқтисодий назариялар ва макроиқтисодий сиёсат. Иқтисодий тизимлар ва уларда ресурслар, товарлар ва даромадларнинг доиравий айланиши.

Миллий ҳисоблар тизимида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш.

Миллий ҳисобчилик тизими (МХТ); макроиқтисодий кўрсаткичлар; ялпи ички маҳсулот (ЯИМ); ялпи миллий даромад (ЯМД); ялпи ички маҳсулотни МХТда ўлчаш усуллари;* реал ва номинал ЯИМ; ЯИМ дефлятори, нархлар индекси; асосий макроиқтисодий айниятлар; Ўзбекистонда МХТни жорий этиш босқичлари ва хусусиятлари;

Макроиқтисодий мувозанатлик ҳолати: жами талаб ва жами таклиф моделлари.

Жами талаб; жами талаб эгри чизиғи –AD; жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омиллари; жами таклиф ва унинг эгри чизиғи –AS; жами таклифнинг классик ва кейнсча моделлари; макроиктисодий мувозанатлик - AD - AS модели;* қисқа муддатли мувозанатлик ҳолатидан узоқ муддатли мувозанатлик ҳолатига ўтиш; талаб ва таклиф “шок”лари; давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати.

Истеъмол ва жамғариш функциялари

Уй хўжалиқларининг ихтиёридаги даромадлари ва уларнинг истеъмол ва жамғаришга таъсири;* истеъмол функцияси; истеъмолга бўлган ўртача ва чекланган мойиллик; истеъмол назариялари; жамғариш ва унинг турлари; жамғариш функцияси; жамғаришга бўлган ўртача ва чекланган мойиллик; давлат бюджети тақчиллиги.

Инвестициялар ва уларни макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги роли.

Капитал ва инвестициялар; инвестицияга талаб ва унга таъсир этувчи омиллар;* инвестицияларга чекланган мойиллик; хусусийлаштириш инвестиция фондлари; Ўзбекистонда хорижий инвестициялар.

Товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанат IS эгри чизиғи.

Режалаштирилган ва ҳақиқатдаги харажатлар; товар моддий захираларга инвестициялар; “Кейнс хочи”: автоном харажатлар мултипликатори; ишлаб чиқаришнинг мувозанатлашган ҳажми; товар ва хизматлар бозоридаги мувозанатлик шартлари;* IS модели;* давлатнинг бюджет ва солиқ сиёсати.

Пул бозоридаги мувозанат. LM модели.

Пул бозори; пул агрегатлари; пулга талаб; пул таклифи; пул бозоридаги мувозанат.* LM модели;* банк тизимининг пул бозорига таъсири; давлатнинг пул - кредит сиёсати.

Товар ва пул бозоридаги макроиктисодий мувозанат. IS - LM модели

Товарлар ва пул бозоридаги макроиктисодий мувозанат; AD - AS ва IS - LM моделларининг ўзаро боғлиқлиги; IS - LM моделининг асосий тенгламалари;* бюджет - солиқ ва пул - кредит сиёсатининг нисбий самарадорлиги; бюджет - солиқ экспансияси; пул - кредит экспансияси; нархлар даражасининг ўзгаришида иқтисодий сиёсат.

Макроиктисодий беқарорлик ва унинг намоён бўлиш шакллари

Иқтисодий даврлар; ишсизлик ва ишсизлик даражасини ўлчаш; ишсизликнинг табиий даражаси; Оукен қонуни;* инфляция, унинг сабаблари ва оқибатлари; инфляцияни жиловлашга қаратилган чора - тадбирлар; инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик; Филипс эгри чизиғи.*

Ўтиш даврида давлатнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати

Давлатнинг иқтисодий роли; Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ва давлатнинг бош ислохотчилик роли;* иқтисодиётни тартибга солиш усуллари; давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати ва унинг моҳияти; барқарорлаштиришга монетар ва структуравий ёндашув; вақт оралиқлари; давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати; давлатнинг антимонополия сиёсати; Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашга қаратилган чора - тадбирлар.

Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсиш тушунчаси, иқтисодий ўсиш шакллари ва омиллари; иқтисодий ўсишнинг оқибатлари; иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари; иқтисодий ўсиш моделлари;* Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммолари.

Очиқ иқтисодиётда мувозанатлилик

“Очиқ” ва “ёпиқ” иқтисодиёт тушунчаси; очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий ўзаро боғлиқликлар; халқаро савдо; валюта курслари; мамлакат тўлов балансининг макроиқтисодий аҳамияти;* очиқ иқтисодиёт мувозанати.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

- Чизма: ресурслар ва даромадлар, харажатларнинг доиравий айланиши.
- Жадвал: Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари.
- Жадвал: Асосий макроиқтисодий айниятлар.
- График: Иқтисодий цикллар.
- График: Филипс эгри чизиғи.
- График: AD - AS модели.
- Жадвал: Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари.
- График: Давлат харажатлари ва солиқлар мультипликатори. Кейнс хочи.

- График: Пул бозори модели.
- График: IS - LM модели.
- График: AD - AS ва IS - LM моделларининг ўзаро боғлиқлиги.
- График: Р.Солоу модели.
- График: Харрод - Домар модели.
- График: Лоренц эгри чизиги.
- Чизма: Тўлов балансининг умумлаштирилган структураси.
- Жадвал: Эгилувчан ва қайд этилган валюта курслари.

Case Studies: ЎР макроиктисодий таҳлилига доир ўқув мисоллари (рус тилида). Очик жамият институти хомийлигида Иқтисодий Марказ томонидан тузилган.

Масофавий ўқитиш соатлари: WWW. google.ru.(Будапешт, Европа Маркзий Университети дастурлари); WWW. Yandex. ru.; WWW rumbler. ru.; WWW worldbank. org. ru. WWW.imf. org. .

Компакт диск: Makrolinks: A program about the interrelations among macroeconomic accounts; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

Статистика тўпламлари: 1. Социально - экономическое положение Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.

Компьютер слайдлари: совокупный спрос и предложение; инфляция и безработица.

Раздаточные материалы: по Макроэкономике Венской школы Всемирного Банка.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

“Макроиктисодиёт” фанидан талабалар билимини назорат қилиш рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклида амалга оширилади ҳамда ушбу фандан 1200 сўз ҳажмида мустақил ёзма иш ёзиш билан тугалланади. Талабалар билими рейтинг комиссияси томонидан баҳоланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. - Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадларимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - устувор вазифа. Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи.//Халқ сўзи, 15 февраль, 2002.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январигача. - Т.: Адолат, 2000.
8. М.Шарифхўжаев. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. - Т., 2002.
9. Ҳақимова М. Макроиктисодиёт - Т.: Мехнат, 1997.
10. Йўлдошев З., Қосимов Н. Макроиктисодиёт асослари - Т.: Мехнат, 1994.
11. Макконелл К., Брю С. Экономикс. Т.1,2 - М., 1992.
12. Менкью Н, Грегори. Макроэкономика. - М., 1994.
13. Дорнбуш Р, Фишер. С Макроэкономика - М.: 1997.
14. Самуэльсон А., Нордхаус Д. Экономика. - М.: Лаборатория базовых знаний, 2000.
15. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. - М.: Дело и сервис, 2001.
16. Шарифхўжаев М., Абдуллаев қ. Менежмент. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
17. Фуломов С. ва бошқ. Мустақил Ўзбекистон 10 йил мустақил тараққиёт йўлида. - Т., 2001.
18. Макроиктисодиёт. Маъруза матнлар. - Т.: ТМИ, 2002.
19. Макроиктисодиёт. Амалий қўлланма. - Т., 2001.
20. Государственное регулирование рыночной экономики. Учеб. пос. М.: Дело, 2001.

Қўшимча адабиёт

1. Макроиктисодий статистика. Академик С.С.Фуломов таҳрири остида. –Т.: ТДИУ, 2000.
2. Макроэкономика. Учеб. пос. Н.И.Базылес, С.П.Гурко и др. –МН.: БГЭУ, 1999.
3. Орешин В.П. Государственное регулирование национальной экономики. Учеб. пос. - М.: Юрист, 1999.

4. Орешин В.П. Государственное регулирование национальной экономики (В вопросах и ответах): Учеб. пос. - М.: ИНФРА - М, 2000.
5. Антонов В.А. Мировая валютная система и международные расчеты. - М.: ТЕИС, 2000.
6. Трояновский В.М. Элементы математического моделирования в макроэкономике. - М.: РДЛ, 2001.
7. Владимирова Л.П. Прогнозирование и планирование в условиях рынка: Учеб. пос. 2 - е изд. Перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2001.
8. Бутми Г.В. Золотая валюта: К пониманию макроэкономике государства и мира. -С - Пб.: Питер, 2000.
9. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Под ред. А.Х.Хикматова. Т.: Ўзбекистон, 2001.
10. Славин М.Б. Системный подход в макроэкономике. Учеб. пособие для вузов. М.: ТЭИ, 2000.
11. Тарасевич Л.С. и др. Макроэкономика: Учеб. под общ. ред. Л.С.Тарасевича. Изд - 3 - е переработка и дополнение. Сост. Гальперин В.М., Гребеников П.И., Леусский А.И. -С - Пб.: СПбГУЭФ, 1999.
12. Инсон тараккиёти тўғрисида маъруза: Ўзбекистон 2000 -Т.: Ўзбекистон, 2001.
13. Доклад о человеческом развитии: Ўзбекистан 2000 - Т.: Ўзбекистан, 2001.
14. Шестаков А.В. Теневая экономика: Учеб. пос. -М.: Дашков и К, 2000.
15. Салин В.Н. и др. Макроэкономическая статистика: Учеб. пос./ Под ред. Медведева В.Г., Кудряшова С.И., Шпаковская Е.П. -М.: Дело, 2001.
16. Акромов Э.М., Ишмухамедов А.Т. Узбекистан на пути к рынку. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
17. Иванов Ю.М. Система национальных счетов - инструмент макроэкономического анализа. - М.: 1996.
18. Каримов Р.К, Каримова Т.А. Миллий модель муаммолари - Т.: Ўзбекистон, 1993.
19. Набиев Х, Набихўжаев А, Махмудов Б. Миллий ҳисоблар тизими - Т., 1997.
20. Ишмухамедов А. ва бошқ. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
21. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси - Т.: Меҳнат, 1995.
22. Ўлмасов А. Оила иқтисоди - Т.: Ўқитувчи, 1998.
23. Экономика переходного периода. -М.: МГУ, 1997.
24. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. - Т.: Мир экономики и права, 1998.

25. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
26. Тухлиев Н., Таксанов А., Национальная экономическая модель Узбекистана. - Т.: Ўқитувчи, 2000.
27. Рахманкулова Т. Дистанционное обучение. - Т., 2001.
28. N.Gregory Mankiw. Makroeconomics. Harvasol university. Worth publishers. 1992.
29. Principles of Makroeconomics. James R.Kearl. 1993 D.C. Heath and Company.
30. Makroeconomics. Second Edition. David. C.Colander. Middlebury College. IRWIN 1994 and 1995.
31. Makroeconomics David N. Human. Third Edition North Carolina state University IRWIN 1989, 1992, 1994.
32. «Mikroeconomics» By David N. Hyman Fourth Edition. 1989 - 1992, 1994,1997.
33. «Mikroeconomics» By David . C.Colander. second edition Richard D. Irwin, inc. 1994 and 1995.
34. «Mikroeconomics» By Don Cole Third edition. Dushkin Publishing Group, 1996.
35. World development Indicators, 2001.
36. Узбекистан: общая оценка страны. ООН, 2001.